Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 25 май, пайшанба №62 ( 21.825.) Сотувда эркин нархда.

## «ЗАРАФШОН-НЬЮМОНТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИГА

«Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг очилиши Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги унумли ва ўзаро фойдали ҳамкорликнинг яна бир далилидир.

Бизнинг ҳамкоримиз — «Ньюмонт Голд» фирмаси жаҳондаги олтин қазиб чиқарувчи энг йирик компаниялардан бўлиб, кўп йиллардан буён илғор ва экологик тоза технологияни қўллаб келмоқда. Ана шу компания билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистоннинг бой табиий заҳираларидан самарали фойдаланишга кўмаклашади, деб ишонч билдираман.

«Зарафшон-Ньюмонт» янги мустақил давлатларда тенги йўқ йирик лойиҳадир. Мен ушбу қўшма корхонага муваффақиятлар ва равнақ тилайман, унинг ташкил қилиниши Ўзбекистон -Америка ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги муҳим қадам, деб биламан.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



**СУРАТДА: Президент Ислом Каримов «Ньюмонт майнинг корпорейшн» компанияси президенти ва директорлар кенгаши раиси Рональд Си Кембрини қабул қилган пайтда.**

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.**

24 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «Ньюмонт майнинг корпорейшн» компанияси президенти ва директорлар кенгаши раиси Рональд Си Кембри бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ньюмонт Голд компанияси Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг тобора кенгайиб боришига катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

— Ньюмонт Голд компанияси билан Мурунтов олтин конида қўшма корхона қуриш бўйича ҳамкорлик қила бошлаганимиздан кейин, — деди Ислом Каримов. — Юксак ва етакчи технологияга эга ушбу компаниянинг тадбиркорлик билан иш юритишига амин бўлдик. «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг қисқа муддат ичида қуриб битказилиши ҳам шунинг яққол далилидир.

Рональд Си Кембри қўшма корхона лойиҳасини амалга оширишдаги кўмаги учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик изҳор этди. Шу билан бирга у ўзбекистонлик ҳамкорларнинг ишга жуда катта масъулият ва талабчанлик билан қарашини таъкидлаб, бу муваффақиятли ҳамкорликнинг муҳим омилидир, деди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Ю. Пайгин ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

***

24 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов литвалик таниқли тадбиркор, «Метжалява» ҳиссадорлик жамияти президенти, «Вилнюс» банки бошқаруви раиси, Литва Президентлик Маҳкамасининг эксперти Альбертас Синявичусни қабул қилди.

— Кейинги йилларда Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда, — деди Ислом Каримов. — Ўзаро манфаат ва ишончга асосланган бу алоқалар ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлиши шубҳасиз.

Альбертас Синявичус Литва ҳукумати Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга тайёр эканини айтди. Мамлакатларимиз ўртасидаги маҳсулот айрибошлаш ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳам шундан далолат бермоқда, дея таъкидлади у.

Суҳбат чоғида савдо-иқтисодий, енгил саноат, транспорт саноати соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

***

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президентининг биринчи ўринбосари Рональд Фриманни ҳам қабул қилди.

Қабул чоғида Ислом Каримов республикамиз билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали бўлаётганини, бу ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ҳар икки томон учун фойдали бўлишини таъкидлади.

Рональд Фриман Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини айтиб, ЕТТБ бир неча йирик лойиҳаларни амалга оширишда республикамизга молиявий кўмак беражагини билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг раиси Р. Азимов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## АФСОНАВИЙ ШАҲАРЛАР ЗИЁРАТИ

***23 май куни Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни тантанали кузатиш маросими бўлди.***

***Байрамона безатилган аэропорт биносида Покистон Бош вазири хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан хайрлашди.***

Покистон Бош вазири Беназир Бхутто ҳамда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов махсус шоҳсупага кўтарилди. Икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради. Сўнгра Ислом Каримов ва Беназир Бхутто миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтди.

Шу куни Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Бухорога келди.

Покистон ва Ўзбекистон Давлат байроқлари билан безатилган Бухоро аэропортида юксак мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими Мавлон Раҳмонов, Бухоро шаҳри ҳокими Карим Камолов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.



**СУРАТДА: Бухородаги тарихий обидалар билан танишув.**

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Қадимий ва навқирон Бухорои шариф билан танишув шаҳар чеккасидаги Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат этишдан бошланди. Зиёратгоҳда Покистон ҳукумати раҳбари ва унинг ҳамроҳлари тариқат илмининг буюк устози Баҳоуддин ҳазратларини ёд этиб, Қуръон тиловат қилдилар.

— Баҳоуддин Нақшбанд фалсафаси ислом оламида жуда машҳурдир. Шу жиҳатдан муштарак ислом маданиятига эга Ўзбекистон ва Покистон халқлари учун аллома Нақшбанд мероси бирдек қадрлидир, — деди Беназир Бхутто зиёрат чоғида. У Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи учун 25 минг АҚШ долларини хайрия қилди.

Юксак мартабали меҳмонлар тушган автомашиналар карвони Бухоронинг эски шаҳар қисмига йўл олди. Сомонийлар мақбараси покистонлик меҳмонларда чуқур таассурот қолдирди. Бу ерда ташкил қилинган бухоролик кандакорлар, зардўзлар ва ҳунармандлар ясаган маҳсулотлар кўргазмасини меҳмонлар қизиқиб томоша қилдилар.

Беназир Бхутто Пойи Калон ёдгорлик мажмуи — Минораи Калон, Масжиди Калон ҳамда Мир Араб мадрасаларини зиёрат қилар экан, ҳайратини яширолмади.

— Гўзал ва латофатли Бухоро ҳақида кўп эшитганман, — деди юксак мартабали меҳмон мамлакатимиз раҳбарига, — бу афсонавий шаҳарни зиёрат этиш имкониятига эга бўлганимдан ғоят бахтиёрман.

Бухоро шаҳридаги марказий кўчалардан бирига покистонлик йирик файласуф ва шоир Муҳаммад Иқбол номи берилиши муносабати билан шаҳар жамоатчилиги иштирокида тантанали митинг бўлди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов митингда Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, ибн Сино каби буюк алломалар юрти — Бухорои шарифда покистонлик буюк шоир ва файласуф Муҳаммад Иқбол хотираси абадийлашгани Покистон ва Ўзбекистон халқларининг дўстлигидан далолат эканлигини таъкидлади.

— Ўзбекистон ва Покистон тарихи улкан чинор дарахти танаси каби яхлитдир. Шу боис, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, маданий алоқалар азалдан ривож топиб, мустаҳкамланиб келган. Бугун Покистоннинг миллий қайта тикланишига муносиб ҳисса қўшган шоиримиз Муҳаммад Иқбол номига Бухоро кўчаларидан бирининг қўйилиши мана шу дўстлигимиз рамзидир, — деди Покистон Бош вазири Беназир Бхутто.

Беназир Бхутто йиғилганлар олқиши остида Покистоннинг суюкли фарзанди хотирасига қўйилган ёдгорлик лавҳасини очди.

* * *

Шу куни Покистон Бош вазири Беназир Бхутто ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқандга ташриф буюрди. Самарқанд аэропортида олий мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Меҳмонларнинг Самарқанд билан танишуви улуғ муҳаддис, Имом Исмоил ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилишдан бошланди. Покистон Бош вазири аллома ҳақига Қуръон тиловат қилди. Зиёратдан сўнг Б. Бхутто Имом Бухорий мадрасасининг таъмири учун Покистон халқи номидан хайрия эҳсон қилди.

Шундан сўнг покистонлик меҳмонлар афсонавий Регистон майдонига келдилар. Бу ерда вилоят ҳунармандлари ясаган амалий санъат намуналари билан танишдилар. Самарқанд бадиий ҳаваскорлари ва фолклор-этнографик дасталари ижросидаги куй ва қўшиқларни тингладилар. Беназир Бхутто ва унга ҳамроҳлик қилаётган делегация Шарқ меъморчилигининг намунасига айланган Гўри Амир мақбарасини ҳам зиёрат қилди.

Икки мамлакат халқлари дўстлиги рамзи сифатида Самарқанд ва Покистоннинг Лаҳор шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилгани тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Покистон Бош вазири Беназир Бхутто шу куни Самарқанддан ватанига жўнаб кетди. Уни Самарқанд аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Самарқанд вилояти ҳокими Пўлат Абдураҳмонов, республика ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

**Муҳаммад ШАРИФ,**
**Илҳом САФАР,**
**Ҳамза ШУКУР,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

*Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари*

## ҲАР БИР ОВУЛГА БАЙРАМ КЕЛДИ

**АЛМАТИ. ЎзА махсус мухбирлари Анна ИВАНОВА, Аҳмад ХЎЖА хабар қилади:**

Мусиқанинг энг яхши хусусияти шундаки, у тилмочга муҳтож эмас. Ўзбек мумтоз мақомлари кўп мамлакатларда машҳурлиги ҳам шундан. Бу куйларни қозоқлар ҳам севиб тинглашади. Қозоғистонда ўтаётган Ўзбекистон кунлари давомида Алмати вилоятидаги Чилик шаҳри аҳолиси «Мақом» дастаси артистларини самимий кутиб олди. Дастанинг бадиий раҳбари Абдуҳошим Исмоилов ғижжакда ижро этган халқ куйлари тингловчиларнинг қалбини ром этди.

Қозоғистоннинг шаҳар ва туманларида республикамиз ижодий жамоаларининг концертлари зўр муваффақият билан ўтди. Бу жамоалар орасида «Шодлик» давлат ашула ва рақс дастаси, Навоий номидаги давлат академик катта театри яккахон артистлари гуруҳи, «Зарафшон» фольклор дастаси, «Самарқанд», «Шофайз» дасталари ва бошқалар бор эди.

Дўстлик байрами қўшни давлатнинг деярли ҳар бир овулига етиб келди. Оммавий сайиллар, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концертлари, спорт мусобақалари, халқ ўйинлари икки халқ маданияти ва анъаналари муштараклигини яна бир бор намойиш қилди.

Ўзбекистонлик меҳмонлар қишлоқлар, корхоналар, мактаб ва олий ўқув юртларида бўлдилар. Улар азалий қўшнилари ҳузурига маданият ва санъат соҳасидаги ютуқларини намойиш қилиш учунгина эмас, ўзаро фойдали, амалий таклифлар билан ҳам келишган. Ана шундай учрашувлар натижасида хилма-хил қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини етиштириш, ишлаб чиқариш ва сотишда ҳамкорлик қилиш хусусида жуда кўп бевосита шартномалар тузилди. Бундан ташқари, Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари бошланиши шарафига Тўрғай вилоятининг Орқалиқ шаҳрида «Фарғона» савдо уйи очилди. Унинг иши Фарғона ва Тўрғай вилоятлари ўртасида йўлга қўйилган мустаҳкам иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

## ДЎСТЛИК БАЙРАМИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КУЙЛАРИ

**АЛМАТИ, 24 май. (ЎзА махсус мухбирлари).** Бугун Абай номидаги давлат академик театрида Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Бу ерга Қозоғистон меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, маданият арбоблари, Ўзбекистон делегациясининг аъзолари келишди.

Тантанага мослаб безатилган залдаги байрам рамзида бир китобнинг — ўзбеклар ва қозоқлар азалий дўстлиги манбаи бўлиб қолган умумий тарих китобининг икки саҳифаси сифатида тасвирланган икки республиканинг давлат байроқлари асосий ўрин тутади.

Тантанали кечани Қозоғистон Республикаси маданият вазири Талгат Мамашев очди. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг давлат мадҳиялари янгради.

Қозоғистон Бош вазирининг ўринбосари И. Тасмагамбетов ўз нутқида бу ерда ўтказилган дўстлик кунларига якун ясади. У икки халқ дўстлиги байрами Марказий Осиёдаги икки давлатнинг яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга янги омил бағишлаганини таъкидлади. Интеграция жараёнида иштирок этаётган тадбиркорлар, маданият арбоблари бир-бирлари билан бевосита алоқа ўрнатиш учун яхши имкониятга эга бўлдилар.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков самимий кутиб олганлари учун қозоғистонликларга Ўзбекистон делегацияси номидан миннатдорлик билдирди ва бу кунлар икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар Марказий Осиёда яшовчи халқларни бирлаштиришга, минтақада барқарорлик ва ҳамжиҳатлик вазиятини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган амалий ҳамкорликни ривожлантириш, миллий маданиятларни ўзаро бойитишни бундан буён ҳам давом эттиравериш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Дўстлик байрами пировардида Ўзбекистон ва Қозоғистон санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

## МУҲИМ МАДАНИЙ ТАДБИР

**Фасллар келинчаги баҳорнинг сўнгги ойи турфа байрамлар, қизиқарли санъат анжуманларига ғоят бой бўлмоқда. 26 май куни пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройида ўтадиган тадбирни ҳам ана шу санъат байрамлари шодасидаги бетакрор маржон дейиш мумкин.**

— Ўзбекистон истиқлолидан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқалар юксак суръатлар билан ривожланиш босқичига кирди, — дейди Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Со Кон И. — Маданий алоқаларимизни ҳам шунга муносиб равишда тараққий топдириш халқларимизнинг хоҳиш ва иродасидир. Умумкорея санъат ассоциацияси етакчиси, Корея парламенти аъзоси Канг Сон Енг раҳбарлигида Ўзбекистонга ташриф буюрган анъанавий рақс дастасининг мақсади мана шу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Бу тадбирни ўзига хос санъат фестивали дейиш мумкин. Зеро, «Туркистон» саройида ўтадиган бу концертда кореялик ўттиздан зиёд санъат усталари билан бирга «Баҳор» ашула ва рақс дастаси иштирок этади. Ўзбекистон — Корея маданий алоқалари тарихида муҳим воқеа бўладиган бу анжуманда кенг жамоатчилик, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари иштирок этадилар.

— **Яқин орада яна қандай тадбирларни ўтказиш режалаштирилган?**

— Аввало, бу концерт Ўзбекистон муносиб ҳисса қўшган фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги ва Корея озод қилинганининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилаётганини таъкидлашни истар эдим. Шу йил август ойида юқорида тилга олинган санага бағишлаб Ўзбекистонда замонавий Корея мусаввирлари кўргазмаси ўтказилади. Кузда эса ўзбек санъаткорлари Кореяга ташриф буюриб, мамлакатимиз томошабинларига юртингиз санъатини намойиш этадилар. Бу каби тадбирлар халқларимизнинг ўзаро бир-бирларини чуқурроқ билиши ва дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутади.

**Амирқул КАРИМ**
**(ЎзА).**




*Ободончилик*

### КЎЗЛАР ҚУВНАЙДИ

**Юртимиз пойтахти тобора ободонлашиб, яшариб бормоқда.**

Юнусобод туманида амалга оширилаётган ободончилик ишлари, айниқса, диққатга сазовор. Биргина Амир Темур кўчаси бўйлаб бир қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани кўзни қувонтиради. Хусусан, метро бекатлари қурилябти. «Олой» бозори қайта таъмирланмоқда, янги уй-жой бинолари қад ростламоқда. Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кургазмаси жойлашган истироҳат боғида эса улкан ўзгаришлар кўзга ташланади. Бу ерда туркиялик мутахассислар қизиқарли томошагоҳлар, кўнгилочар ўйинлар масканини вужудга келтиришмоқда.

Шунингдек, Эски шаҳарда тезкорлик билан амалга оширилаётган ободончилик ишлари ҳам авжида. Мустақилликнинг тўрт йиллиги байрамигача биринчи уй-жой қуриш комбинатининг 2-қурилиш бошқармаси ўнлаб кўп қаватли биноларни фойдаланишга топширишни мўлжаллаб турибди. Тахтапул даҳасида меҳнат қилаётган бу бошқарманинг Ш. Зокиров бошлиқ участкаси қурувчилари дастлабки уйни тахт қилиб қўйишди. Собир Раҳимов туманидаги Ғафур Ғулом ва Собир Раҳимов кўчаларида беш қаватли уйлардан 16 таси шаҳарликлар ихтиёрига берилади.

**Абдунаби МАННОПОВ.**

*Матбаачилик*

### «ҒАЛАБА» — 60 ЁШДА

**Қашқадарё. Яқинда «Ғалаба» рўзномаси ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлади.**

Бундан 60 йил бурун — «Коммунизм байроғи» (ҳозирги «Шаҳрисабз тонги») газетасининг илк сони чоп этилган эди. 1969 йилда Китоб тумани ташкил этилди. Шундан буён «Ғалаба» газетаси туман ижтимоий-сиёсий ҳаётининг солномаси сифатида нашр этилмоқда. Уруш даврида рўзномани солдат мактублари сингари хонадонларда интиқлик билан кутишар эди. Ундан кейинги йилларда ҳам ўзининг қутлуғ анъаналарини изчил давом эттирган газета бугунга келиб юртимизда кечаётган ўзгаришларни ҳаққоний ёритиш, илғор тажрибаларни кенг ёйишга интилмоқда.

**Юнус УЗОҚОВ.**

*Табиат ва инсон*

### ЭКОЛОГИК ХАРИТА

**Орол ва Оролбўйини ҳимоя қилиш жамоатчилик қўмитасида Марказий Осиё давлатлари вазирликлари, экологлар, олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Марказий Осиё давлатлари Президентларининг қўшма баёнотида илгари сурилган таклифлар муҳокама қилинди. Жумладан, Марказий Осиё давлатларининг ягона «Экологик харита»сини яратиш учун мўлжалланган лойиҳа тасдиқланди.

Инглиз, немис, рус тилларида чоп қилинадиган ушбу экологик хаританинг олтитасини шу йил сентябрь ойида нашрга топшириш келишиб олинди.

**Юнус ЗИЁДОВ.**

# ФЕРМЕРЛИКНИНГ НОНИ ШИРИНМИ?

БИЗНЕС ПРЕСС танловига

**«Замона зайли билан ишбилармон, фермерларнинг куни туғди, ҳаммаси ҳамёнини қаппайтириш билан овора. Чорасизларга ким қайишади?» Бундай сўзлар қулоққа тез-тез чалиниб туради. Эл дастурхонини тўкин қилиш йўлида жон куйдираётганлар — фермерлар шаънига айтилаётган бундай фикрларда асос борми? Қишлоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бошида турган ишсеварларнинг асл мақсади нимага йўналтирилган, фермерликнинг нони ширинми?**

— Фермер бўлиш осонмас, — дейди тумандаги «Файз» деҳқон хўжалиги раҳбари Рустам Файзиев. — Уйқусиз тунлар, ҳаловатсиз кунларга, қийинчиликларга бардош берган, изланган кишинингтина иши ўнгидан келади.

Дарҳақиқат, шундай. Рустамжоннинг асли касби ошпазлик эди. Оддий оилада вояга етгани, чорвага меҳри баландлиги касбини ўзгартиришга туртки бўлди. Бунинг устига республика Вазирлар Маҳкамасининг бу ҳақдаги қарорлари айни муддао бўлди. Уйидаги йигирмага яқин қорамоли билан «Гулистон» жамоа хўжалиги ҳузурида фермер хўжалиги ташкил этди. Бу ишда унга хўжалик раҳбарлари яқиндан ёрдам кўрсатишди. Катта заҳкаш ёнида қаровсиз ётган бино унга берилди. Ўшанда 1992 йилнинг боши эди. Рустам Файзиев бутун оиласи билан фермер хўжалигини ривожлантиришга киришди.

Бу ерда ишни изга тушириш, бинолар қуришга 10 минг сўм сарфланди. Хўжаликдан олинган маблағ қисқа муддат маҳсулот етиштириш ва уни сотиш эвазига қопланди. Натижада ташландиқ бино бинойидек бўлди-қолди.

— Қаддимизни ростлашимиз учун қўл қовуштириб ўтирмадик, — дейди Р. Файзиев. — Бир йилдирки, мустақил фермер хўжалиги сифатида ишлаяпмиз. Бултур моллар бош сонини 158 бошга етказгандик. Шундан соғиладиган сигир 78 бош. 200 тонна сут етиштиришни режалагандик. Йил охирида 240 тонна сут, 3,2 тонна гўшт етиштирдик. 20 бош бузоқ олдик. Сут-қатиқдан тушган маблағга техника харид қилдик. 10 минг сўм ҳамёнимизда соф фойда ҳисобига қолди.

Шуни таъкидлаш керакки, «Файз» фермер хўжалигига туман ҳокимининг қарорига мувофиқ 51 гектар ер берилиши керак. Аммо улар ҳозирча майдоннинг 35 гектарига эга. Қолган қисмини чўлдан олишлари керак. Мавжуд майдондан кўзланган ҳосил олинаётгани, 2 та «КИР-1,5» агрегати, битта трактор, автомашина, битта «Алтай» ҳайдов тракторидан самарали фойдаланиш эвазига фермернинг ишлари юришяпти.

Эндиликда 25 киши ишлаётган бу хўжаликда моллар сони 165 бошга етди. Озуқа бериш механизациялашган. Олинаётган фойда ҳисобига чорвадорларга бепул овқат беріляпти. 6-бригадада ҳар байрам дастурхони фермер хўжалиги маҳсулоти билан безалади. Шу атрофдаги «Юлдузча» болалар боғчаси доимий равишда сут билан таъминланмоқда.

Хўжаликда ҳар куни бир тонна сут етиштирилади. Шу йилнинг ўтган тўрт ойида 102 тонна сут, 4,1 тонна гўшт сотилди. 8 бош бузоқ олинди. Фермер хўжалигида Рустамжон билан бирга унинг ўғиллари Рауф, Шодмон, Ботир, Яшин ҳамда Қўшша Комилов, Равил Тўхтаев сингари чорвадорлар ҳам меҳнат қилишяпти. Жорий йилда фермер хўжалигида 10 тонна гўшт, 300 тонна сут етиштириш кўзда тутилган.

Туманда «Файз» фермер хўжалиги билан рақобатлаша оладиган деҳқон хўжаликлари саноқли. А. Ғиждувоний номли жамоа хўжалигидаги «Майсара» фермер хўжалиги ҳам қаддини ростламоқда. Мустақил ишлаётганига бир йил бўлаётган бу хўжаликка Майсара Карлонова бошчилик қилмоқда. Бултур фермер 42 тонна гўшт топширди. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 9 тонна сут, қарийб 1 тонна гўшт топширган фермер хўжалиги ҳисобидаги моллар сони 30 та. Шундан 13 боши соғин сигир.

Шунингдек, Учқун Фатуллаев бошчилик қилаётган «Латофат» фермер хўжалиги ҳам аста-секин яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

— Ҳозир туманимизда 124 та фермер хўжалиги бор, — деди туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Самад Бўстонов. — Уларда 1701 бош қорамол, шу жумладан 558 бош сигир, 3628 бош қўй-эчки, 125 бош чўчқа, 25 бош от, 713 та парранда, 88 асалари уяси парваришланяпти. Туманда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг қарийб 35-40 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келяпти. Бултур фермерларимиз меҳнати эвазига давлатга 733 тонна сут, 55 тонна гўшт сотилди. Шу йилнинг тўрт ойида эса 21 тонна сут, 30 тонна гўшт, 6,5 минг дона тухум етиштирилди.

Уюшма раиси фермерлар ютуқлари ҳақида гапираркан, муаммоларга ҳам тўхталди. Унинг таъкидлашича, шу йилнинг ўтган ярмида фермерларга бирор килограмм ҳам омухта ем, ёнилғи берилмаган. Чунки фондлар аниқ бўлмаган. Фақат иккинчи чорак учун 17 тонна бензин, 98 тонна дизель ёнилғиси, 46 тонна шрот олиш учун имконият берилган. Бу 124 фермерга урвоғ ҳам бўлмайди. Яна бир муаммо: туман ҳокимининг қарори билан фермерларга 2763 гектар ер берилиши лозим эди. Шундан 501 гектари суғориладиган ер. Аммо шу кунгача фермерларга унумдор ердан бор-йўғи 150 гектаргина ажратилган. Қолган қисми Шўркўл, Қутчи массивларидан бериларммиш. Энди ўйлаб кўринг; чўлдаги ер билан фермер хўжаликлари орасидаги масофа 20-30 чақирим. Бунинг устига техника, ёнилғи муаммоси. Ерни очиш ёки экин, экин унса уни ўриб-йиғиб олиш, ташишга фермернинг қуввати етадими? Сув тақчиллигини гапирмаса ҳам бўлади.

«Она ер саховати», «Латофат» фермер хўжаликларида бўлсангиз улар ана шундай чўлда макон айлаган. Муаммоларни гапираверибҳасратидан чанг чиқади, уларнинг.

— Ишлаётганимизга анча бўлди, — дейди «Она ер саховати» деҳқон хўжалиги раҳбари Рўзи Муқимов. — Ихтиёримизга 70 гектар ер берилган. Шундан 10 гектарини измимизга солгандик, унга ҳам эга чиқиб қолди. Ер очайлик десак, техника, эҳтиёт қисм, ёнилғи, йўқ. Чорва молларини боқайлик десак, фонд йўқмиш. Шунга айтсалар керак-да, уловидан тушови қиммат деб! Кексалигимда чўлни ўзлаштирай, деб овора бўлганга ўхшайман.

«Латофат» фермер хўжалиги раҳбари Учқун Фатуллаев ҳам минг машаққат билан фермерлик ҳаётини бошидан кечиряпти. Оиласи билан тошлоққа кўчиб чиқиб, кам бўламан деб ўйламаган эди. Унга ҳам 120 гектар ер берилган. Шундан бор-йўғи 18 гектари ҳайдалади. 32 бош қорамоли, 4 бош сигири, 26 бош қўйи бор. Жониворлар сони бултургидан анча камайган. Чунки фермер хўжалиги етиштирадиган сутни топшириш учун туман марказига келиши керак. Масофа эса анча олис, ёнилғи қиммат.

Ачинарлиси, маҳсулот топшираётган фермерлар йил бошидан буён сутнинг пулини ололмасдан овора. Биргина «Файз» фермер хўжалиги топширган сутнинг пули 90 минг сўм, 4 ойдирки ололгани йўқ.

Пул бўлса, чангалда шўрва, — деганлар. Маҳсулотининг пулини ололмай, хуноб бўлаётган фермерлар аҳволини тасаввур қилиш эса қийин эмас. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган, рақобат билан ишлашга бел боғлаган, шу йўлда ҳаловатидан мосуво бўлаётган фермерларнинг нони бутун бўлиши кўп жиҳатдан уларнинг ўзига боғлиқ эмаслигини мутасадди ташкилотларда ўтирганлар билишармикин? Фермерлар эса ҳамон умидворлик билан яшаб-ишлашга, сабр-бардошга эрк бермоқдалар. Кўмаклашган иш битар, дейдилар. Жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари уларга имкон даражасида ёрдам берсалар нур устига аъло нур бўлур эди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


# "МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.



Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

*Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли буюмлари ўйналади.*

*Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.*

**Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.**

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!


# ТИККАН АЁЛЛАР

*қўзғолони хусусида)*



ҳимоя қилиш йўсинида олиб борилган, деб баҳоланади. Мардикорликка сафарбарлик фармони шундоқ ҳам эзилган халқни ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий томондан ғоят оғир аҳволга солиб қўйишини англаган ҳолда бу ҳақда лом-мим дейилмайди.

Ваҳолонки, Тошкент шаҳар ҳокими С. О. Кочан 1916 йилги Тошкент қўзғолонини аёвсиз бостиришда асосий роль ўйнаган шахслардан бири ҳисобланади. У ўз маҳкамасида Эски шаҳардаги халқ қўзғолонидан хабар топиб, халқ танобини тортиб қўйиш учун у ерга жазо отрядини ҳамда шаҳарнинг тинч қисмидаги барча миршабларни юбортиришга фармойиш беради. «Мен полиция бошқармасига етиб келганимда, бошқарма ҳовлисида ва унинг ташқарисида аёллар ҳамда эркаклардан иборат улкан оломонни кўрдим, — деб ёзади С. Кочан 12 июль куни Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори А. С. Галкин номига бўлиб ўтган қўзғолон ҳақида маълумотнома битиб. — Оломон жуда кўп эди, улар бир неча минг кишидан иборат бўлиб, ўлганлар ва ярадор бўлганлар бор эди. Мени кўрган оломон ичкарига ўтишим учун йўл очиб берди. Мен аввал ичкарига киролмаган фельдшерни ёнимга олиб оломон орасидан ичкарига, полиция маҳкамасига ўта бошладим. Бошқарма эшигига озгина қолганда менга ҳар томондан одамлар отилиб, кўзларида ёш билан шикоят қила бошладилар. Уларнинг аксарияти аёллар эди. Уларнинг баъзилари йиғи аралаш бирон нарсаларни тушунтирмоқчи бўлардилар. Улар ҳаддан ташқари хўрланган ҳамда камситилган ҳолатда эди. Полиция бошқармасига кириб тузем қисмининг барча полициячилари, миршаблари қўлида револьвер кўрдим. Полиция бошқармасининг телефон сими узиб ташланган экан. Полиция бошқармаси хоналаридаги бир неча тош ва ғишт бўлаклари ҳамда синган ойналар ташқаридан маҳкама томон тош ва ғиштлар отилганидан далолат берарди. Ҳарбий қисмлар ҳали етиб келмаган эди. Полиция бошқармаси ҳудудини бўшатиб қўйишларини илтимос қилиб оломонга қилган мурожаатим зое кетди. Тўда алланималарнидир талаб этарди, бақирарди, илтимос қиларди, лекин улар нима деяётганини тушуниб бўлмасди. Оломоннинг олдидагилар жим турганлиги учун улар билан гаплашиш имкони бор эди, аммо ортдаги қийқириқлар, тинимсиз бўкиришлар, йиғи-сиғилар бунга имкон бермасди. Шу орада тўда орасидан ўлганлар ва ярадорларни олиб чиқиб кетиш имкони пайдо бўлди. Ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатила бошланди. Худди шу пайт Тошкент шаҳрининг рус қисми миршаблари ва прапоршиклар мактаби етиб келди.

Прапоршиклар мактабининг бошлиғи подполковник Савицкий полиция бошқармаси ҳовлисидаги оммани чиқариб ташлаш зиммасини ўз бўйнига олиб, бу режани тез амалга оширишга эришди. Ундан кейин соқчи казаклар ва дружина етиб келиб, полиция бошқармасига туташ кўча тарафдан йиғилганларни ўраб олди. Худди шу пайтда, жаноби олийлари, сиз етиб келдингиз.

Воқеа содир бўлган жойга прокурор назоратчиси ҳамда терговчи ҳам келди. Улар бўлиб ўтган тартибсизликлар сабабини жойида ўрганиб чиқиб менга ахборот бердилар. Буларга кўра қўзғолонни бостиришда қатнашган қуйидаги полиция ходимлари жиддий жароҳатландилар. Себзор даҳасидан Хаим Саит Исмоилжонов, Шайхонтоҳур даҳасидан Тилов Эшмуҳамедов ва Шайхонтоҳур даҳасидан Дониёрхўжа Исохўжаев. Бундан ташқари, посбон Мирахметин Акбаршаев ўлдирилганлиги маълум бўлди.

Бу қўзғолон бостирилгандан кейин шаҳарнинг баъзи жойларида одамлар тўда-тўда бўлиб, нималарнидир ўзаро муҳокама қилаётганлари ҳақида маълумотлар бор. Шаҳарда мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги эълон йиртиб ташланган».

Эътибор берган бўлсангиз, жаноб Кочан маълумотидан шундай хулосага келиш мумкинки, ушбу қўзғолондан асосан азият чекканлар полициячи ва миршаблар бўлган. Лекин шаҳар ҳокими жаноб С. Кочан қуролсиз аҳолига қарата ўқ узилганлиги ҳақида лом-мим демайди. Ваҳоланки, чор Россиясининг Қонун кодексига кўра, қуролсиз аҳолига қарата ўқ узиш мумкин эмасди. Маҳаллий корчалонлар Петроградга жўнатган ахборотларида ҳам ўз жиноятларининг олдини олиш мақсадида ҳамма айбни халққа тўнкайдилар.

Қўзғолонни бостириш ниятида ёрдамга етиб келган 26 миршаб, прапоршиклар мактабининг юнкерлар ротаси, казаклар ҳамда алоҳида ҳарбий дружина қуролсиз халққа қарата қуролдан ўқ уздилар. Ғазабга келган қўзғолончилар уларга ёпишиб, қуролларини тортиб ола бошладилар. Полиция бошқармасининг бошлиғи бўлган Колесников бир неча қадам нарида қўлидаги қилич билан унга нафрат тўла кўзини тиккани учун бир қўзғолончини отиб ташлайди. Бу ҳақда у ўз гувоҳлик кўрсатмасида шундай ёзади:

«Қилич билан қуролланган бир сартнинг менга таҳдид қилаётганлигига кўзим тушиб қолди. Револьверни кўтариб қўрқитишимга қарамай, у қиличини кўтариб мен томонга юра бошлади. Орамиздаги масофа икки қадамча қолганида мен уни отиб, тил торттирмай ер тишлатдим».

Ҳарбий прокурор ёрдамчиси полковник Симонич томонидан ҳарбий суд учун тузилган айбнома асосан Кочан, Колесников, Мачалов ва бошқа амалдорлар, полициячи миршабларнинг берган кўрсатмалари асосида тузилган бўлиб, жабрланувчиларнинг бирон бир ўзини оқлаб берган ҳақиқий кўрсатмалари инобатга олинмаган. Ҳатто тасодифан тўполонга ўралашиб қолганлар ҳам узоқ муддатларга қамалиб кетган. Суд учун «ош»ни пишитиб берган Самсоничнинг айбномасида, юқорида таъкидланиб ўтилганидек, мустамлакачилар хатти-ҳаракати, қуролсиз халққа нисбатан қирғин-барот қилгани ўз аксини топмай, ушбу тўполондаги барча айблар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб кўчага чиққан тинч аҳоли зиммасига юкланган. Айбнома билан яқиндан танишар экансиз, Самсонич ёнида бир неча ҳамтовоқлари тургани, воқеалар тафсилоти мустамлакачиларнинг хоҳиш-иродасига кўра баён қилинганлигини ҳис этиш қийин эмас. Шунга қарамай, ҳанузгача кенг жамоатчиликка яхши таниш бўлмаган ушбу ҳужжат билан яқиндан танишиб қўйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Самсонич Тошкент қўзғолонини бостириш маромида қўлга олинган Абдураҳмон Мулла Ҳакимов, Йўлчи Иброҳимов, жами 34 киши устидан жиноий иш қўзғайди. Уларга, ҳукумат сиёсатига қарши қуролли қўзғолон кўтарган, деган энг оғир айб қўйилади.

Бунинг учун Самсонич ўз ҳамтовоқлари берган кўрсатмалардан усталик билан фойдаланди. Яъни Кочан, Колесников, Мочалов, Трентовиус, Харчев ва бошқа «гувоҳ»лар воқеа тафсилотини қандай баён этган бўлса, у ҳам шундай тасвирлайди, улар кимларни айбдор деб топган бўлса, Самсонич ҳам уларни айбдор деб ҳисоблайди.

Самсоничнинг фикрича, 1916 йилнинг 11 июль куни Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган полиция бошқармасига подшо аъламнинг олий фармонларини бажариш борасида бир тўхтамга келиш учун шаҳарнинг барча элликбошилари йиғилиши керак эди. «Лекин, — деб бошлайди Самсонич 1916 йилнинг 29 июлида битган ўз айбномасида, — белгиланган вақтдан олдин полиция бошқармаси олдига маҳаллий аёллар тўпландилар. Улар бошқарма биноси олдидан у ёқ, бу ёққа юришиб, дод-вой сола бошлашди. Орадан кўп вақт ўтмасдан аёллар тўдасига эркаклар ҳам қўшилдилар».

Полковник Самсонич айбномасидан кўриниб турибдики, 1916 йилги Тошкент қўзғолонининг оммавий халқ норозилигига айланиб кетишида аёллар муҳим роль ўйнаган. Лекин аёллар «дод-вой» солибгина қолмай, «фарзандларимизни мардикорликка бермаймиз» деб чор ҳукумати сиёсатига қарши стихияли тарзда бўлсада курашганлар.

Оломон полиция маҳкамаси боғи билан кўчани тўсиб турган панжарани бузиб, бошқарма ҳовлисига кириб олади. Тўпланганлар сони кўп вақт ўтмасдан бир неча минг кишини ташкил этади. Қуролсиз халқ бу оммавий норозилик нимага олиб келишини билмас эди. Аёллар кетидан эркаклар ҳам «ҳеч қаёққа бормаймиз, ўлсак шу ерда ўламиз» деб ҳайқиришарди.

Полиция бошқармаси ҳовлисига кирган оломонни миршабхонанинг тунги соқчиси Мираҳметшо Миракбаршоев бўлмағур сўзлар билан ҳақорат қилиб, уларнинг нафсониятига тегади. Шусиз ҳам сабр косаси тўлиб турган халқ уни пиллапоядан тортиб олиб роса дўппослайди ва бир миршабдан тортиб олинган револьвер билан уни отиб ташлайдилар. Бироз вақт ўтгач, миршаб Трентовиусни ҳам оломон ичкарига тортиб олиб енгил тан жароҳати етказиб қўйиб юборади.

Шундан кейин содир бўлган воқеалар Самсонич айбномаси бўйича қуйидагича ривожланади. «Бир неча дақиқадан сўнг оломон бошқарма биносига кириш учун иккинчи марта ҳужум қилиб, бошқарма биносининг деразаларига ва ойнаванд эшикларига мўлжаллаб тош ва ғишт бўлакларини отишган. Фожеа содир бўлаётган жойга эски шаҳарнинг собиқ полицмейстри Колесников беш казак билан етиб келганда вазият янада кескинлашиб кетди. Маҳаллий кишилардан бири қўлидаги қиличи билан унга ташланмоқчи бўлганида, Колесников уни отиб ташлади. Шундан кейин полиция бошқармаси ходимлари револьверларидан тинимсиз ўқ узиб бино ичкарисига яширинишга мажбур бўлганлар, қўзғолончилар жон-жаҳдлари билан бино ичкарисига киришга интилганлар, телефон орқали ҳарбий ёрдам сўралаётган пайтда қўзғолончилар томонидан телефон сими узиб ташланган.

Ҳарбий прокурор ёрдамчиси ўзи билмаган ҳолда миршаблар «револьвердан тинмай» ўқ узганлигини, Колесников совуққонлик билан қўзғолончилардан бирини намойишкорона «отиб» ташлаганини, қуролсиз қўзғолонни бостириш учун телефон орқали «ҳарбий ёрдам» сўрашга ҳаракат қилинганлигини эътироф этади. Лекин усталик билан бу маълумотларни қуллик зулмидан жони халқумига келган, бу ҳам етмагандай, аёллар энг сўнгги таянчи эрларидан ҳамда фарзандларидан жудо бўлаётганига тўхталмай, барча айбда маҳаллий аҳоли гуноҳкор деб ҳисоблайди. Унинг айбномаси билан яқиндан танишар экансиз, миршаблар, ҳарбийлар оқу, қўзғолончилар қора бўлиб кўз ўнгингизда гавдаланаверади.

«Тошкент прапоршиклар мактабининг ротаси тартибсизликларни бартараф этгандан кейин бино ҳовлисида олти кишининг мурдаси кўзга ташланган», — деб қайд этилади айбномада. Улардан бирини Колесников отиб ташлаган эди. Тўрт қўзғолончи миршабларнинг узган ўқидан ҳалок бўлган. Мурдалардан бири тунги соқчининг жасади эди. «Одамларни оммавий тартибсизликларга бошлаган ҳамда уларга бош-қош бўлганлардан, — деб ёзади ҳарбий прокурор ёрдамчиси полковник Самсонич, — Абдураҳим мулла Ҳакимов, Йўлчи Иброҳимов, Маҳмудхўжа Мирзахўжаев, Ёқуб Муроджапоев, Абдураҳмон Қаюм Сўфиев, Низомиддинхўжа Зайнутдинхўжаев, Файзиали Раҳимбоев, Пўлатхўжа Иноғомхўжаев, Ғулом Камолов ва Мурод Муҳаммадалихўжаев қўлга олинган.

Воқеалар тафсилоти гувоҳлар — подполковник Колесников, Эски шаҳар полицмейстери вазифасини бажарувчи Мочалов, полиция приставы Харчев, полиция бошқармасининг котиби Трентовиус, ҳамда фожеа баённомаси ва полиция бошқармаси ҳовлисида қолган мурдалар асосида тикланди».

Полиция бошқармаси ҳовлисида миршаблар ўқидан ҳалок бўлган қўзғолончилар Шоюнус Абдуқодиров, Холиқбой Ҳасанов, Абдусаломхўжа Абдушакархўжаев, Абдуқодир Муҳаммадсодиқов ва Сайрибой Ниғматжоновлар эдилар. Ўқ уларнинг кўкракларига, мияларига ҳамда бошқа ҳаётий муҳим аъзоларига текканлигини, бу ўқлар мўлжалга олиб отилганлигини алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозим. Лекин мурдалар рўйхати бу билан тугамайди. 12 июль куни шаҳар касалхонасида оғир яраланган Уста Муҳаммад Азизхўжаев, Пайзибой Хўжаев, Рўзвон биби Аҳмаджонова, 13 июль куни Қосим Аҳмедов ва Иброҳим Исмоиловлар вафот этди. Қўзғолончилардан бири мулла Содиқ Сиддиққориев 13 июль куни Тошкент вилояти қамоқхонасида оғир жароҳатдан ҳалок бўлган. Қўзғолон бостирилаётганда халқ ҳаракатининг фаол аъзоларидан бири — яраланган Зуҳрабиби Мусамуҳамедовани халқ яширишга муваффақ бўлган.

11 июль Тошкент қўзғолонида ўнлаб кишилар яраланди. Шунга қарамай, уларнинг барчаси мустамлакачилар томонидан жиноий жавобгарликка тортилди. Бу ҳам етмагандай, қўзғолонда бўлганларнинг уйларини тинтув қила бошладилар. Чунки қўзғолон иштирокчиларининг кўпчилигини миршаблар яхши танир эди. Уларнинг кўрсатмаларига биноан Ғулом Камолов, гимназия талабаси Маҳмуд Исамуҳамедов, ака-ука Абдуҳакимовлар, Шоғиёс Шоқориев, Шосаид Шосолиҳов, элликбоши Пўлат Иноғомхўжаев, Азиз Мусабоев, Тожибой Юнусхўжаев, Маҳсум Қурчибоев, Ғулом Юсупжонов ва бошқалар ҳибсга олинди.

Қўзғолончиларга қамоқхоналарда ваҳшийларча муносабатда бўлинди. Бу ҳақда Коршунова исмли рус аёли қуйидаги маълумотларни қолдирган:

«Тошкент қамоқхонасининг ҳовлисида очликдан ўлган фарғоналикларнинг мурдалари кўплаб араваларга солиб қўйилганлигини кўрдик. Сўнгра маҳбуслар жойлаштирилган қамоқхона ертўласига тушдик. Бу ерда одамлар шу даражада зич ва қалашиб ётардиларки, оёқ босишга жой йўқ эди. Бизни эркаклар ва аёлларнинг жуда кир босган, ориқ ва заъфарон юзлари, аёлларнинг ёйилиб ётган сочлари, қўрқув ва шу билан бирга нафрат ила боқувчи кўзлари ҳаяжонга солди. Ёши улғайган бир аёл менинг оёғимни ушлаб олиб, ғамга тўлган қора кўзлари билан боқиб, нималарнидир гапирди. Бироқ мен тил билмаганлигим туфайли унинг йиғлаб айтган сўзларини тушунмадим. Мен эски чопонидан бир парча пахтани юлиб олиб чайнаётган новча кишини, баъзи одамларнинг ўз қўлларини кемираётганларини кўрдим. Маҳбусларнинг кўпчилигининг нафас олишлари сезилмасди, афтидан улар жон бераётган эдилар. Маҳбуслар орасида эс-ҳушидан айрилганлар ҳам бор эди».

Ҳарбий прокурор ёрдамчиси Самсоничнинг тузган айбномасига биноан жами 34 киши жиноий жавобгарликка тортилди. Қўзғолончилар ҳарбий ҳолат нуқтаи назаридан суд қилинди. Туркистон ҳарбий округ судининг ҳукмига кўра, фаол қўзғолончилардан бири, халқни курашга чорлаган, руҳлантирган этикдўз Абдураҳмон Қаюмсафиев дорга осиш орқали ўлим жазосига маҳкум этилди. Мустамлакачилар ҳукм ўқиб эшиттирилган заҳотиёқ уни амалга оширишди. Худди шундай ҳукм оддий ишчи Мирқосим Шомуҳамедовга ҳам нисбатан қўлланилди. Қўзғолончилардан Ёқуб Муроджапоев, ишчилардан Тожибой Юнусхўжаев ва Йўлчи Иброҳимов, камбағал деҳқон Муроджўжа Муҳаммадалихўжаев, ғишт терувчи Ғулом Камолов ва бошқаларга узоқ муддатли қамоқ жазоси берилиб, Сибирга сургун қилинди.

Умумий хулоса шуки, Тошкент қўзғолони 1916 йилги бутун Марказий Осиё ва Қозоғистонни қамраб олган умумхалқ ҳаракатининг таркибий қисми сифатида гавдаланади. У чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмга қарши қаратилган миллий истиқлол кураши намунаси сифатида ҳамон ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

**Ойгул САФАРБОЙ қизи,**
**илмий ходим.**

